

Маҳсулот кўп бўлса,
рақобат бўлади, рақо-
бат бўлса, сифат
ошади, сифат юқори
бўлса, экспорт сама-
рали бўлади. Оддий
одамларни бой қил-
сак, давлат ҳам бой
бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2019 йил 14 март • пайшанба • № 34 (4163)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz


ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР БИЗНЕС МУҲИТИ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Навоий вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентимиз Навоий шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йўналиш ўтказди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йўналишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари вилоятни комплекс ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни белгиллаб берди.

Қайд этилганидек, Навоий вилояти юртимиз санъатининг мустақам устун бўлиб, унинг 10 фоиз маҳсулотини таъминлайди.



Ислохотлар натижасида ўтган йили вилоятда инвестициялар 1,8 баробар, қурилиш ишлари 28

фоиз, хизмат кўрсатиш – 12 фоизга ўсган. Шунингдек, қарийб 1 триллион сўм инвестиция ҳисо-

бига 420 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилган.

Йўналишда мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Вилоят иқтисодиёти асосан бир неча йирик корхонага боғлиқ бўлиб қолгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етарли даражада ривожланмагани қайд этилди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий туртки бериш учун шундай қулай ва жозибадор бизнес муҳитини яратиш керакки, нафақат маҳаллий, балки бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам бу ерга келиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга интилсин. Бошқача айтганда, Навоий вилояти – тадбиркорлар вилоятига айланиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Рим-католик черкови раҳбари Франциски Ватикан миллий байрами – Муқаддас тахта ўтирган кунини муносабати билан табриклади.

president.uz

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Мўйноқ туманини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

kun.uz

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

2019 йилнинг 15 март кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Жамшид Қўчқоров бошчилигидаги делегация Москва шаҳрида МДҲ Иқтисодий кенгашининг 81-мажлисида иштирок этди.

mfa.uz

Алишер Абдуллаев «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг раиси этиб тайинланди.

«Хўқўқий ахборот канали»

Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юрий Савченко миссиясини якунлади.

kun.uz

Бобир Элмуродов Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари – вилоят бош архитектори этиб тайинланди.

samshahar.uz

Фарғонада Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари ёшлари иштирокида «Келажакни терроризмиз қурамай!» шиори остидаги халқаро фестивал бўлиб ўтди.

uza.uz

Тошкентда Нидерландия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Регина Жонс-Бос бошчилигидаги делегация иштирокида Ўзбекистон – Нидерландия агробизнес форуми бўлиб ўтди.

uza.uz

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг Ҳарбий журналистика касбий тайёрлаш курси ва 2019-2020 ўқув йилида Ҳарбий журналистика йўналиши очилди.

ishonch.uz

Кун саволи

Марказий банк ва тижорат банкларида!

Хизмат тўлови, фоизсиз депозит...

Яқинда бир танишим Давлат хизматлари марказида хизмат қилувчи «Ипотека-банк» шохобчасида тўловни амалга ошириш чоғида «Банк хизмати тўлови» борлигини сабаб қилиб кўрсатиб, қўшимча пул олганини айтиб қолди. Бу нима учун жорий этилган?

Иккинчи савол: Илгари пластик картадаги қолдиқ маблағ учун ҳар ой охирида маълум миқдорда фоиз тушар эди. Бу амалиёт тўхтатилганининг сабаби нимада?

Рустам ТўРАҚУЛОВ
Бекобод тумани

Қорақалпоғистон Республикаси

Бор бўл, оқибат!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида таъкидланганидек, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларидан биридир.

Ўксик кўнгилларга малҳам

Оролбўйида кўмакка муҳтож 54 оила уйли бўлди

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси амалга ошираётган ишлар бу вазифанинг нақадар ҳаётий зарурат эканлигини қайта-қайта намоён этмоқда.

Қарор ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, шаҳар ва туманлардаги, энг чекка қишлоқлардаги кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий турмуш шароитлари ўрганилиб, уларнинг орасидан энг кўмакка муҳтожлари шакллантирилиб, манзилли дастур ишлаб чиқилди. Қорақал-

поғистон Республикасида 112 та оилани уй-жой билан таъминлаш, 560 та оиланинг уй-жойини таъмирлаш, 192 нафар оила аъзоларига тиббий ёрдам

кўрсатиш, 3444 та оилани электр таъминоти билан таъминлаш режалаштирилди.

2 >



ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»



Халқ сўзи
МУАММОЛАР ҚАЧОН ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?

Ўзбекистон ОВОЗИ
«ФАН ОЛАМИДА ЯККА-Ю ЯГОНА ХАЗИНА, БУ БЕРУНИЙДИР»

Mahalla
ЁЛГИЗ ОНА НИМАДАН НОРОЗИ?

RUXORO yoshlari
АРОҚХЎР ОНАСИДАН БЕЗИГАН БОЛАЛАР

Халқ таълими вазирлигига очиқ хат

Шахсий фикр

m.facebook.com

Sherzod Shermatov
11-mart kuni, soat 01:00 da · va

Фарзандингизни Президент мактабларида ўқишини истасангиз инглиз тилини ўргатишни бошланг!

Президент мактабларида қабул ва таълим жараёни Буюк Британиянинг Кембридж университети билан ҳамкорликда олиб борилишини инобатга олиб инглиз тили ўрганишининг муҳимлиги ҳақида эслатиб ўтмоқчиман. Албатта, ҳали имтиҳонларнинг қандай ўтиши ҳақида маълумотлар мутахассислар томонидан ишлаб чиқилгандан кейин батафсил эълон қилинади. Инглиз тилини ўрганишни эса ҳозирдан бошлаш керак. Мактабда асосий фанлар хорижий педагоглар томонидан инглиз тилида олиб бориладиган учун ҳам ўқини жараёнида инглиз тилини билиш жуда зарур.

Ҳурматли вазир жаноблари!

Ушбу хатни ёзишимга Сизнинг «Facebook»даги саҳифада Президент мактаблари ҳақидаги чиқишингиз ва унга билдирилган фикрлар сабаб бўлди.

Президент мактаблари ғояси таълим тизимимизда кескин бурилиш ясаши аниқ. Ахир, фарзандларимиз Сиз айтгандай, БМТнинг 6 та расмий тилидан камидан иккитасини ўрганса, бу бизнинг муваффақиятимиз. Тил ўрганиш ҳеч замонда зарар келтирмаган, бу ҳам ҳақиқат. Лекин биз тилнинг маданият

ташувчи восита эканлигини ҳисобга олсак, масала жўн эмаслиги кўринади. Ҳар бир миллат ва элат маданияти, туриш-турмуши унинг тили орқали шаклланади. Айнан шунини учун ҳам Сизнинг даъватингиз мени ўйга толдирди.

Биринчидан, «Фарзандингизни Президент мактабларида ўқишини истасангиз, инглиз тилини ўргатишни бошланг!» деган чорлов ҳаммага ҳам маъқул келмагани шубҳасиз. Сиз бунини ижтимоий тармоқларда билдирилган фикрлардан ҳам пайқаган бўлсангиз керак.

Иккинчидан, тил ўрганишини давлат қўллагани, рағбатлантиргани яхши, лекин у имтиёз йўлида шарт, гаров қилиб қўйилмаслиги лозим. Биз она тилимиз, миллий-диний қадриятларимиз, урф-одатларимиз оёқости қилинган, хўрлик-ситамларни бошидан ўтказган халқимиз. Мустақиллигимизга 28 йил, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилганимизга 30 йилга яқин вақт бўлаётган эса-да, тилимиз ҳали-ҳамон биз истаган даражада ўз нуфузига эга бўлганича йўқ.

3 >

ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР БИЗНЕС МУҲИТИ- ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятини экспортга йўналтирилган инновацион ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар бўйича эркин иқтисодий зонага айлантиришни тақлиф қилди. Қайд этилганидек, бунинг учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида махсус комиссия тузилиб, маъзур иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган имтиёз ва энгилликлар тизими белгилади.

Йиғилишда инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 26 триллион 368 миллиард сўмлик 511 та инвестиция лойиҳасидан иборат дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Маъзур дастур доирасида 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, 17 минг 400 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Қизилқум-цемент», «Навоийазот» акциядорлик жамиятлари ва бошқа тармоқларда 12 та йирик лойиҳа амалга оширилади.

Биринчи навбатда, Нурота, Хатирчи, Томди, Конишек каби ривожланиш даражаси паст бўлган туманларда янги сановат корхоналарини ташкил этишга устувор аҳамият қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Нурота туманидаги Ҳозор посёлкасида шаҳар мактабини бериб, уни пардоз тошлари қазиб олиш ва ишлаб беришга алоҳида эътибор қаратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Нурота туманидаги Ҳозор посёлкасида шаҳар мактабини бериб, уни пардоз тошлари қазиб олиш ва ишлаб беришга алоҳида эътибор қаратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Гранит ва бошқа пардоз тошларини сановат усулида қазиб олиш, ишлов бериш ва тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат кластер ташкил этиш бўйича қиймати камида 200 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигидаги имкониятларни ҳам таҳлил қилиб, пахтадан бўшаган майдонларда бозорбоп мева-сабзавот етиштириш, вилоятда томорқалардан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ аҳолисини банд қилиш ва даромадини ошириш, томорқаларга экин экишни давлат сиёсати даражасига кўтариш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қорақўл тери тайёрлашни кўпайтириш, экспорт ҳажминини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ҳаёти сифатини, инвестиция иқлимини, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат хизматлари марказларида аҳолига тез, сифатли ва кенг турдаги давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев фаоллар йиғилишидан сўнг Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази фаолияти билан танишди.

Марказда электрон навбат тизими жорий этилган, фуқароларга 100 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Нотариал хизматлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, паспортни расмийлаштириш, ҳайдовчи-

лик гувоҳномасини алмаштириш ва бошқалар шу ернинг ўзиде амалга оширилади. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида болалар майдончаси, кафе, мутулаа хонаси, бепул Wi-Fi алоқаси ташкил этилган. Бу ерга келганлар улاردан фойдаланиб, кутуш вақтини мазмунли ўтказиши мумкин.

Марказга келолмайдиган ҳамда олис овул ва қишлоқларда яшайдиган аҳоли учун махсус транспортларда жойларга чиққан ҳолда хизмат кўрсатилади.

Президентимиз марказ фаолияти билан танишар экан, бундай марказларда асосий мақсад фуқароларнинг давлат идоралари фаолиятдан рози қилиш эканини таъкидлади.

Давлат хизматлари марказларида энг асосий талаб – муомала маданияти бўлиши керак. Бу ерга келган ҳар бир инсон муаммосига ечим, саволига жавоб топиши лозим. Барча ҳаракатларимиз ана шу мақсадга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Халқ қабулхонасининг марказдаги бўлимига кириб, ходимлар билан суҳбатлашди. Аҳоли қандай масалалар бўйича мурожаат қилаётгани билан қизиқди.

Шу ерда Навоий вилоятида тадбиркорлик, кичик бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Хусусан, эксперимент тарихида «Навоий – тадбиркорлар вилояти» лойиҳаси амалга оширилади.

Бунда қулайлик яратиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда давлат божи икки баробар камайтирилади. Қатор хизмат кўрсатиш соҳаларига имтиёзлар берилди.

Президентимиз давлат хизматлари марказида тадбиркорлар учун хизмат турларини кенгайтириш, хусусан, уларга ер ажратиш, қурилишга рухсат олиш каби жараёнларни интеграциялаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги 3-сонли ички ишлар бўлимини бориб кўрди.

Президентимизга бу ерда яратилган шароитлар, маҳалла-ларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларига Навоий вилоятида жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54 фоиз, Навоий шаҳрида эса 63 фоиз камайтгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар билан мулоқотда аёлларнинг турмуш шароитини ўрганиб бориш, оғирини энгил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Агар жамиятимизда адолатни қарор топтирмақчи бўлсак, аввало, хотин-қизларнинг ишончини қозонишимиз керак, уларни асрашимиз керак. Аёлнинг яшаш тарзи, дунёқараши оила муҳитини белгилайди. Бу фарзандлар тарбияси учун жуда муҳим, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар бўлимидаги ситуацион марказни кўздан кечирди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга иктисослашган дастурий маҳсулотлар яратиш, жиноятчиликни турлари бўйича таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи яқунлади.



Ўқсик кўнгилларга малҳам

Оролбўйида кўмакка муҳтож 54 оила уйли бўлди

Янги ҳаёт остонасига

Дастлаб Оролбўйининг энг шимолида жойлашган Тахтақўпир туманидаги «Давир» маҳалла фуқаролар йиғинидан Унгарбой Бақиев ва Қувондиқ Келимбетов, «Кораой» овул фуқаролар йиғинидан Ортиққул Сейтназарова, «Тахтақўпир» овул фуқаролар йиғинидан Қалбой Сапаров, «Отақўл» овул фуқаролар йиғинидан Лизахон Жиенбаева ва янги уйларнинг калитлари топширилди.

Шу кунгача қизим ва набирам билан ҳар кимнинг уйда ижарада қийин шароитда яшаб келдик, – дейди янги хонадон эгаларидан бири, иккинчи гуруҳ ногирони Лизахон Жиенбаева. – Президентимизга минг раҳмат, туман марказидан барча шарт-шароити бор тўрт хонали уй-жой берилди. Ҳаётимиз, уй-рўзгор буюмлари, кўрпа-тўшак ҳам. Бунинг учун ушбу ишларнинг ижросини бўлган қалба уюшмалари мутасаддиларига миннатдорлик билдираман.

Қарор ижросини таъминлаш доирасида туманда табиий газ етиб бормайдиган чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи кам таъминланган 36 та оилага 57 миллион 924 минг сўмлик, иккинчи босқичда эса 70 та оилага 87 миллион 612,4 сўмлик газ плита, газ баллони, баллон редуктори ва улашиш шангалари топширилди. Бундан ташқари, бемор ва даволанадиган муҳтож аъзоси бор 6 та оилага 23 миллион 976,3 минг сўмлик табиий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган 25 та оиланинг уй-жойи таъмирланди.

Байрам тўйга уланди

Яқинда Тахياتош туманида Нукус шаҳри ва туманлардаги 54 та кам таъминланган оилага янги уй-жойларни топшириш маросими бўлди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси раиси М.Ерниязов, Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров ва бошқалар сўзга чиқиб, йиғилганларни умумхалқ билан фойдаланиш муносабати билан фойзсиз судалар бериш учун 20500 минг сўм ажратилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда доимий иш ўринлари яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги ҳудудий келишув, иш бериувчилар билан бошланғич ташиқотларимиз ўртасида имзоланган жамоат шартномалари орқали 40 турдан ортиқ ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Таъкидланганидек, юқорида қайд этилган қарор ижросини таъминлаш бўйича бугунги кунда 112 та оиладан 63 таси янги уй-жой билан таъминланган бўлса, Тўртқўл, Қораўзак, Кегайли туманларида ҳам шундай ҳолатлар кузатиладики, мутасадди органларга тақдим этилган ҳужжатларни қонунда белгиланган бўлса-да, қаердандир қўшимча тасдиқлаш келиш талаби қўйилади. Бу эса ортиқча овозагарчиликларга сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Ҳикмат

Эл ғуссасини сингирмагинг мақсуд эт,
Бу шева билан оқибатинг маҳмуд эт.

Алишер НАВОИЙ

рнинг ҳар бирида 5 тадан, Нукус, Ҳўжайли, Эллиқалъа туманларида биттадан уй-жой янгидан қурилмақда. Бундан ташқари, 560 та оиладан 504 та оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Қолганларида таъмирлаш ишлари якунлаштириш арасида. Шу билан бирга, 188 нафар фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилди, 3444 нафар фуқаро маънавий техника билан таъминланди.

Тадбирда янги хонадон эгаларидан Тахياتош шаҳридан Жумабой Қалилаев, Амударё туманидан Умида Матниязова, Нукус туманидан Лизахон Жиенбаева, Қўнғирот туманидан Малика Ортиқбоева-лар бундай ғамхўрлик ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдирди.

Вагондан замонавий коттежга

Янги хонадон эгаларидан бири Тахياتош туманидан Жумабой Қалилаев икки қизи ва икки ўғли билан, ишонасизими-йўқими, шу кунгача вагон уйда яшаб келди. Шундай оғир шароитда бўла туриб яқинда бир қизини узатди.

Жумабой оғанинг ҳаётида бугун яна бир бахтли кун. Унга туман марказидан икки қаватли, боғи бор коттеж берилди. Бундан бир ой олдинги ҳаёти билан ҳозирги ҳаётга осмон билан ерчалик фарқ бор. Ети ухлаб тушида ҳам кўрмаган катта ҳовлига эга бўлди.

Мамлакатимизда ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаслигига яна бир бор ишондим, – дейди Жумабой Қалилаев. – Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилган маънавий дастур туфайли қанчадан қанча оила уй-жойли бўлди, қанчасининг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Бундай ғамхўрликни унутиб бўладими, ахир?!

Бугун Тахياتош туманидан 7 та оила янги уй-жойга эга бўлди, – дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташиқотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташиқотчиси Қалжан Бекманова. – Шундан бир нафари икки қаватли коттеж, бир нафари тўрт хонали, икки нафари уч хонали, уч нафари намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жой билан таъминланди. 2017 йилда кам таъминланган 10 та, 2018 йилда эса 25 та, жами 35

та оиланинг хонадони таъмирлаб берилди. 176 та оила маънавий техника билан таъминланди. 8 нафар беморнинг жарроҳлик амалиёти учун, 4 нафар беморнинг даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатилди. Манзилли дастурда белгиланган ишлар ўз вақтида сифатли амалга оширилди.

Ҳақиқат бўлиб чиқди

Нукус тумани «Саманбой» овул фуқаролар йиғинидан Лизахон Жиенбаеванинг турмуш ўртоғи вафот этган. Уч нафар фарзанди билан шу пайтгача эски бинода қийин шароитда яшаб келди. Қорақалпоғистон касабаси уюшма ташиқотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган ўрга-нишлар давомида у ҳам рўйхатга киритилди.

Аваллига ишонмадик, – дейди у. – Кейин ҳақиқатга айлана бошлади. Касабаси уюшмалари ходимлари тез-тез хабар олиб турди. Яқинда ўзимиз истиқомат қиладиган овул фуқаролар йиғини худудидан янги уч хонали уй-жойга кўчиб ўтдик. Буларнинг барчаси ҳақиқат бўлиб чиқди.

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Бундай тадбирларнинг янги-лаши, меҳр-оқибат ва фаровонлиги айеми – Наврўзи олам арафасида ўтаётгани янада аҳамият-лидир, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшмаси ташиқотлари бирлашмаси кенгаши раиси Улуғбек Жалмонов. – Барча шаҳар ва туманлардан маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда уй-жой бўлмаган ёки қийин шароитда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган шах парварши қилинган оила-лар ўрганилиб, рўйхатга киритилди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг байроғи ишлари бугунги кунда барчани хурсанд қилмоқда. Эски уйларда, оғир шароитда яшаб келган оилалар бугун замонавий хонадонларга эга бўлди. Улар Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда, шу жумладан, ижтимоий соҳада амалга оширилган ислохотларнинг нечоғли ҳаётбахш эканлиги, мамлакатимизнинг ойдин кел-лажига янада ишонч ҳосил қилмоқда.

Халқимизда «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!» деган яхши ибора бор. Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйида бугун кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Энг асосийси, ушбу эзгу ишлар аҳолининг фаровон ҳаёти, фарзандларимизнинг бахтли кела-жаги учун хизмат қилмоқда.

Давуд АБИУЛЛАЕВ,
журналист

«Ishonch» учун махсус тайёрланди

Жаҳон кубоги

Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида «Турон» яқка кураши бўйича «Локомотив» спорт клублари ҳамда темирийўлчилар ўртасида жаҳон кубоги ўтказилди. Унда Марказий Осиё давлатлари, Арманистон ва Россия давлатларидан 120 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Ушбу мусобақада Ўзбекистон жамоаси «Локомотив» МЖСК «Турон» спорт мураббийи А.Тимошенко бошчилигида Тошкент темирийўлчилари коллежи, Тошкент темир йўллари муҳандислари институти талабалари ва «Локомотив» МЖСК тарбияланувчилари қатнашди.

Қизғин руҳда ўтган беллашуларда юртимиз спортчилари қатор совринли ўринларини эгалладилар. Яқка кураш ва кўрагмали чиқишда олтин ва кумуш медаллар шодаларига эга чиқиб, умумжамоа ҳисобида Қозоғистон терма жамоасидан кейин иккинчи ўрин соҳибига айландилар.

Мусобақа натижаларидан келиб чиқиб, Жанубий Қозоғистон темир йўллари раҳбарлари ҳамда Чимкент шаҳар маъмурияти вакиллари «Локомотив» МЖСК директорини «Энг яхши раҳбар» медали билан мукофотлади.

Жаҳонгир САДИЕВ,
Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сурхондарё вилояти

Ижтимоий ҳимоя

Жамоат шартномаси – фаолият дастуриламали

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш касабаси уюшма ташиқотларининг устувор вазифасидир. Айтиш лозимки, Термиз шаҳар ҳокимлиги ва маҳаллий ташиқотлар билан ҳамкорликда тузилган, аҳолининг барча қатлами ва ишчи-хизматчиларнинг эҳтиёжлари инobatта олинган ҳудудий келишувлар ҳамда жамоат шартномалари бу борада қўл келмоқда.

Биринчи навбатда ишловчиларни, кўп болали, кам даромадли оилалар, қаровчиси йўқ кексалар, ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш чоралари кўрилмақда. Чунончи, ўтган йили Термиз шаҳрида истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва нафақадаги меҳнат фахрийлари ҳамда кам таъминланган оилаларга ҳар ойда имкон даражасида моддий ёрдам, пул ва озик-овқат маҳсулотлари тарқатиб келинди. Соҳамизда меҳнат қилаётган пенсионерлар, касабаси уюшма аъзоларининг нафақасидаги ота-оналарни имтиёзли равишда республика миёдаги сихатгоҳ ва профилакторийларга имтиёзли йўланмалар орқали соғлом-

лаштирилди. 11 нафар ходимга пенсияга чиқишдан олдин моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Юбилей саналарини нишонлаган 10 нафар ишчи-ходимни сздалик совғалари билан қутладик. Ишлайдиган пенсионерлардан (тизимдаги корхоналарнинг собиқ ишчилари) 33 нафарига ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида 2 ёшдан 3 ёшгача бола парварши учун нағдала бўлган 18 нафар ёш онага моддий ёрдам берилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташиқотларимизда меҳнат қилаётган 8 нафар ёш болали аёлларга ойлик маоши сақлан-

ган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. 64 та кам таъминланган ёш оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. 10 та ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилишга фойзсиз судда ажратиш учун 17640,0 минг сўм, 12 нафар ходимнинг сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фойзсиз судалар бериш учун 20500 минг сўм ажратилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда доимий иш ўринлари яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги ҳудудий келишув, иш бериувчилар билан бошланғич ташиқотларимиз ўртасида имзоланган жамоат шартномалари орқали 40 турдан ортиқ ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Шаҳобиддин БОЗОРОВ,
Агротехнолог мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Термиз шаҳар кенгаши раиси

Оворагарчиликларга чек қўйган ҳужжат

соллишдан иборат. Асосий вазифа маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишга доир у ёки бу муносабатлар махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгиловчи қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу қонун нормалари қўлланилади. Маъзур қонун 7 та 606 ва 88 та моддадан иборат бў-

либ, қонун чиққан кундан 12 ой ўтгача кириши белгиланган. Айрим ҳолларда ҳаётимизда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, мутасадди органларга тақдим этилган ҳужжатларни қонунда белгиланган бўлса-да, қаердандир қўшимча тасдиқлаш келиш талаби қўйилади. Бу эса ортиқча овозагарчиликларга сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Бундай ҳолатларга келгусида йўл қўймаслик мақсадида тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, маъмурий орган уларнинг ишончилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш чораларини кўриши қонунда мустаҳкамланди.

Яъни асосий гумонлар асосида шахсни овоза қилишга энди чек қўйилади. Ким шубҳаланса, ўз ҳисобидан текшириш чораларини кўради. Қонунда тақдим этилган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг ишончилигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқла-ниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликларни манфаатдор шахслар фойдасига талқин қили-ниши ҳам муҳим янгиликдир. Чунки инсон манфаатлари унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, бошқаларнинг хато ва камчи-ликлари туфайли азият чекмаслиги лозим.

Сўхроб ЙЎЛДОШЕВ,
Миробод тумани Маъмурий суди раиси

Халқ таълими вазирига очиқ хат

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур». Ёки яна бир улғу маърифатпарвар аждодимиз Алихонтўра Соғуний айтган мана бу фикрларга эътибор беринг: «Арабча, форсийчаларни ёзиш-сўзлашгина эмас, балки, бу икки тилда китоб ёзиш, шеър айтиш қобилияти менда бўлса ҳам, ўз туркий она тилимни бошқа тиллардан ортиқроқ кўрдим. Чунки, қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳолатини ўталамай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламай, инсоний туйғуларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиги билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўлади». Бу ҳаётда ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир. Шу боис, миллий манфаатлари тўқис таъминланган, деб айтилувчи АҚШда ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, йирик сиёсатшунос Патрик Бюкенен Америка инқирози ҳақида гапириб, бир ўринда шундай дейди: «...Мамлакат мактабларида фақат инглиз тилида дарслар боришини талаб қилишимиз шарт. Чунки икки тиллилик, маълум маънода бир давлат ҳудудида икки маданият, ҳатто икки мамлакат борлигини англатади...».

Биз дунё тилларини билиш, ўрганиш яхши фазилат эканини такрор қайд этган ҳолда, она тили ҳар бир миллат учун улғу ва мўътабар эканини таъкидламоқчимиз. Демак, ҳар бир инсоннинг соғлигини асраш ва янада бойиши учун курашмоғи лозим.

Сизнинг «Facebook»даги саҳифангизда мурожаатнома сифатида чиқингиз менда мавзу юзасидан айрим таклиф, мулоҳазаларни уйғотди.

Аввало, Президент мактаблари миллий мактаб мақомида ташкил этилмоғи лозим. Мазкур мактабларга фарзандларимиз 7 ёшдан қабул қилиниб, инглиз тили бирламчи шарт сифатида қўлланилмаса, чунки ўзга бир тилни, жумладан, инглиз тилини билиш истеъдод ва қобилиятни аниқлашнинг асосий барометри саналмайди. (Илло, бунини сиз ҳам англагангиз керак.)

Ушбу мактаблар учун махсус миллий таълим дастури ва методикаси ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ. Унга кўра, таълим дастурининг ўзигина она тили ва адабиёт, тарих (миллий ва дунё тарихи) эгалласа. Ва, албатта, чет тиллар ҳамда аниқ фанлар ҳам бундан мустасно эмас. (Тил ва аниқ фанларни ўрганиш тажрибаси эса бизда илгари ҳам лицейлар, махсус мактаблар кўринишида бўлган. Айтмоқчи бўлганим, бу янгилик эмас.)

Бу нима учун керак? Аввало, шунинг учунки, бизга қарийб 100 йилдан ортиқ давр давомида тарихимиз нотўғри ўргатиб келинди. Унинг кўплаб саҳи-

фалари биздан бекитилди. Тилимиз ва адабиётимиз ҳам мустабид мафкура хоҳишига мос равишда ўқитилди.

Муддаомиз, мактабда давлатчилигимиз ва халқимизнинг шонли тарихи, халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий қаҳрамонларимиз ҳаёти чуқур ўргатилса...

Ва ниҳоят, энг муҳим масала, мазкур мактабнинг бош ғояси янги авлодни шакллантиришга йўналтирилиб, бутун эътибор миллий руҳи бутун, МИЛЛАТимизни ва ВАТАНимизни севувчи, ватанпарвар ва миллатпарвар фарзандлар тайёрлашга қаратилса...

Дунёни ғоялар бошқаради ва туги туради, дейди доғишмандлар. Дарҳақиқат, ҳар қандай қудратли империялар ҳам, фаровон жамиятлар ҳам ғоялар устига барпо этилади. Шу маънода, Она Ўзбекистонимиз ҳам миллий ғоямиз билан раванқ топажак. Сиз тилга олган Президент мактаблари ўқувчилари ҳам, аввало, ўзбек бўлиб, сўнгра дунёни ўзбек бўлиб идрок этиб, миллий руҳда камол топиши ҳаммамиз учун шарафли. Мактабни битирган ёшлар Президентимиз шакллантираётган ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНнинг таянч устунлари бўлишади.

Қолаверса, маданиятлар қоришиб бораётган бугунги глобаллашув даврида бир халқ, бир миллат ўлароқ ўзлимизни сақлаб қолсак, бу бизнинг чин маънодаги ғалабамиз бўлади.

Ўрол СОДИҚ

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Таъкидлаш» билан иш битади(ми?)



Баъзи сериаллар бизни манқуртга айлантормоқда
ёхуд хусусий телеканаллар раҳбарларига очиқ хат!

«Баъзи сериаллар бизни манқуртга айлантормоқда» деб ном қўйилган мақолада бизнинг «Ishonch» газетасининг шу йил 12 февралдаги сонидеки журналист Барно Султонованинг «Баъзи сериаллар бизни манқуртга айлантормоқда ёхуд хусусий телеканаллар раҳбарларига очиқ хат!» сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассислари ҳам ёшлар онгига акс таъсир кўрсатадиган, маънавият ва миллийликка зид бўлган фильмлар, кўрсатувларни кечлаш борасида мақола-лар тайёрлаб, уларни бар-тарafd этиш ва унинг ўрнига миллий сериаллар, маърифий кўрсатувларни кўпайтириш бўйича таклифлар

ишлаб чиққан. Мақола муваффақият қайд этганидек, бутун турк сериалларининг ашаддий томошабинлари, ҳимоячилари ҳам йўқ эмас. Таъкидлаш керакки, кенг оммага тақдим этилаётган ҳар қандай фильм ёки кўрсатув қандай бўлишидан қатъи назар, аввало, ахлоқ меъёрлари, маънавият меъзонларидан четга чиқмаслиги лозим.

агар сериал халққа манзур бўлмаса, жамоатчилик фикрини инобатга олиб, тўхталиши ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ўринли.

P/S: Куйнчак журналистнинг долзарб мавзудаги фикр-мулоҳазаларига бундай юзаки муносабат билдирилиши кишини беихтиёр тааж-жубга солади. Чунки, аслида, Марказ бу мавзунини кун тартибига олиб чиқиши, бу борада бонг уриши, тезкор муносабат билдириши керак эди. Афсуски, бунинг ўрнига одатдаги андозавий жавоб билан чекланган, холос. Савол туғилади: Бундай иш тутуши даври ўтмадими? Маънавият ва маърифат устуворлиги учун энг шимариб чора-тадбирлар белгилашга қачон ўрганамиз. Барча кўз тикиб турган янгила-нишлар қачон бошланади?

Тақдимнома киритилди

Мазкур мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги қўйидагиларни маълум қилди:

«ZO'R TV» телеканалда на- мойиш этилаётган турк сериалида ахборот соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолатлар аниқланиб, Агентлик томонидан ўз ваколати доирасида телеканал му- ассисига уларни бартараф этиш юзасидан бажарилуши мажбурий бўлган тақдимнома киритилди».

Директор в.б. **КАЛЛАМЖОНОВ**

P/S: Тақдимнома бажарилуши шарт бўлган юридик ҳужжат ҳисобланади. Агентлик бу каби қонуний чораларни бошқа қонунбузарларга ҳам қўлайди, деган умиддамиз.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади

№ 2019-04 ретендер

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 14 март
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг муддат: Эълон чоп этилган санадан 15 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар тиллари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 зонали) уйлар;
2-тип: 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 зонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар асосида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилишни амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефон: (0 371) 241-15-37 Факс: (0 371) 241-15-26

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«_____вилояти, _____тумани, _____массивидаги, _____лот _____та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
Банк: «Азия Альянс Банк»нинг Олмасор филиали.
ИНН: 300 017 720, МҲФ: 01102
х/р: 2021 0000 5045 4602 7001

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига; Таклифларни тақдим этиш сўнги мuddатига; Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очиқлиги таклифлар тақдим этиш-

нинг охириг кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ
Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.
Телефон: (0 371) 232-80-47 Факс: (0 371) 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиши мумкин.
Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари | Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|--|--|--|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакеси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м² | Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 зонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 зонали) уйлар | 2 400 000 000 | 1 920 000 000 | 360 | 600 | 1440 |

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

| Лот № | Худуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | Тўрт қаватли 2-3 зонали уйлар | | | Бир қаватли 3 зонали уйлар (0,02 га) | | Таклифларни топиришининг охириг муддати |
|------------------------|------------|--------------------------|--------------|-------------------------------|----------|------------|--------------------------------------|-----------|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | уй рақами | |
| Тошкент вилояти | | | | 120 | 5 | 120 | | | |
| 457 | Қуйичирчиқ | Навқирон | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 29 март 11:00 |
| 458 | Оққўрғон | Тортувли | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 29 март 11:00 |
| 472 | Зангиота | Эркин | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 29 март 11:00 |
| 481 | Тошкент | Тулабий | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 29 март 11:30 |
| 482 | Тошкент | Тулабий | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 29 март 11:30 |

Эгамберди бахши (1923 – 2002) Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган. Болалигида Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманига кўчиб келган. Ёшлигида чўпон, мироҳир (отбоқар) бўлган. Отаси Холли полвон Товошаровдан дўмбира чалиш сирлари ва бадиҳағўйликни ўрганган. Қадимий чолғулардан бўлган шувиллак ва най каби муסיкий асбобларни ўзи ясаган бахши уларни моҳирона ижро этган.



Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан

Яхши билан ёмон

Ассалому алайкум, азиз меҳмонжонлар, онахонлар, отахонлар, кўзичоғим – неваражонлар. Бобоғонанг бошлайди, қизлар жипак лошлайди, Энди бобонгиз аввал ўздан бошлайди.

Қора-қора қошларим, саксонга жетаяпди ёшларим. Оқариб қалди соқал билан сочларим, тўкилиб кетди мрамардай бўлган тишларим, Эсизгина йигирма бешдаги ёшларим.

Баланддан пастга энгандир, ўрдаклар кўлга кўнгандир. Кўлимдаги дўмбирамди уста Шапоат оғажоним жўнганди.

Кўлимга олайин созимни, Эгамберди бобо дейди ўзимди. Энди эшитингизлар менинг айтган сўзимди.

Ойтсам ода бўлмайди менинг энди достоним. Уғил, қизларим, ҳам жўлбарсим, арслоним. Сизларга насаҳат бўлсин-да менинг айтган достоним. Худойжоним обод қилсин зомонди, сизларга ойтиб берай яхши билан жомонди.

Ой қиблага ботади, умр деган бир майдонда ўтади. Яхши хотин рўзғорини покиза қил туттади. Қадирингга жетади. Жомон хотин топанчида жутади, индамасанга чашкайгача ўқлаб жотади. Жомон хотин олсанг, умринанг хароб билан ўтади.

Қор жовади қаҳардан, сув келади наҳрдан. Гул очилар баҳордан, яхши хотин тўрқайди-да сахардан. Яхши бўлса ёрлари, ёмон бўлса эрлари.

Қисади-да яхши ёрнинг шўрлари. Жомон эрга тегманлар, тирилай боққа куйманлар. Ойтганини жомон кўрманлар, жомонга кўнгил берманлар.

Жомонга хотин тегмайди, яхши хотинни ҳеч ким кўлдан қўймайди. Яхши хотинни пиширган таомига одам жиб тўймайди.

Яхши хотин рўзғорини тузатади, Меҳмонини кузатади. Жомон хотин меҳмон борса оёғини узатади, Кўзини уйиради, бурнини жиёиради. Узи утириб, эрини ишга буюради.

Жомонларни олманлар, яхшилардан қолманлар. Отанг жомон бўлса армонинг кетар. Фарзандинг жомон бўлса дармонинг кетар. Тилинг жомон бўлса иймнинг кетар. Хотининг жомон бўлса меҳмонинг кетар. Эринг жомон бўлса аҳволинг хароб бўл ўтар. Икки жомон бир бўлса, бир-бирдан бетар. Икки яхши бир бўлса, ниятига жетар.

Дуо билан эл кўқарар, ҳаво билан жер кўқарар. Ҳаво жавоб ҳўл бўлсин, салқин жойлар қўл бўлсин. Арпа, буғдой мўл бўлсин, халқимиз ўйнаб кулсин. Халқимизнинг дастурхони нонларга тўлсин. Ҳаммамизнинг фарзандларимиз қобил бўлсин. Ҳаммамизнинг тилаган муродимизни Худойжоним берсин.

Тўловчи: Ўқтам ҲАКИМОВ

«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ»

масъулияти чекланган Жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни кириб келаётган баҳор айёми –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!

Она диёримизда табиатнинг уйғониш фасли кўнгилларга сурур ва тароват бағишлаб, беқиёс гўзалликларини намоён этмоқда. Наврўз инсоннинг табиат билан уйғунлиги, халқимизнинг меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик каби бебаҳо хислатларини ўзида ифодалаб, ҳар биримизни она заминни ардоқлашга, унинг неъматлари, бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайди. Истаймизки, баҳорий кайфият йил бўйи сизни тарк этмасин!

Янги йилимиз баракали бўлсин! НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

Тошкент шаҳридаги «CELEBRATION SERVICE GOLD» МЧЖ таъсисчиларининг 2019 йил 11 мартдаги қарори ҳамда умумий йиғилиш баённомасига асосан маъмур қорхона мулклари билан бирга МЧЖ шаклидаги «PARISQ INVEST» қўшма корхонасига қўшиб юборилмоқда. Мувожаат учун телефон: (71) 273-99-90.

Ўтган йили жаҳон тиббиётида бир қатор шов-шувли хабарларга гўвоҳ бўлдик. Хусусан, саратон иммунотерапияси, генларни бошқаришдан бактериялар, саратонга қарши ҳужайрали генларга бағишланган янги тадқиқотлар кўпчилигининг қизиқишига сабаб бўлди. Ҳўш, улар қандай янгиликлар?

Инновация янгиликлари

Тиббиёт нималарга эришмоқда?

НАНОКАПСУЛАЛАР

Жаҳон фармацевтика саноати ўз олдига одатий дори воситаларини ўзгартириш бўйича жуда мураккаб вазифаларни қўймоқда. Хусусан, хабдорилар белгиланган нуктага дарҳол таъсир этиб, ноҳўя ҳолатларни келтириб чиқармаслиги лозим. Ана шу вазифанинг ечими нанокансулар бўлиши мумкин.

Нанокансулар инсон организмга тушиб, дори воситасини оғриқли аъзога етказгач, капсула очилади ва унинг ичидаги модда бевосита зарарланган қисмга тушади. Ҳаракат схемаси куйидагича: шифокорлар бемордан қон олиб, унга ичида дори воситаси бўлган нанокансуларни қўшади, сўнгра беморнинг ўз қонини ўзига қайта қуяди. Организми уни бегона деб қабул қилмайди ва даволаниш асносида иммун қаршилик кўрсатмайди. Янги технология юрак, қон-томир касалликларига тромбларни даволашда бирмунча енгиллик туғдиради. Шунингдек, инсульт ва миокард инфарктида ҳам. Қандли диабетни даволашда инсулинли нанокансулар қанд миқдори кўпроқ тўпланган қисмга йўналтирилади.

Бугунги кунда бу йўналишда Германия ва бошқа мамлакат олимлари тадқиқот олиб бормоқдалар.

ОГРИКСИЗ ТУГУРУК

Келажақда туғуруқхоналарда бўлажак оналарнинг оғриқли овозлари эшитилмай қолади, шекилли. Негаки, Шимлий Австралия университети олимлари аёлларни туғуруқ жараёнларидаги эўриқилардан бурун спрейи ёрдамида халос этиш йўлини топдилар.

Инновацион маҳсулотнинг асоси туғуруқ жараёнларини оғриқсилантиришда қўлланувчи петидинга ўхшаш таъсирга эга бўлган фентанил аналогити. Янги восита амалиётда синаб кўрилди. Бўлажак оналар халоскор спрейни олқишладилар.

Яқин йилларда ушбу инновацион восита оғриқ қолдиришда худди тумовни даволаш каби мунтазам равишда амалиётда қўлланилишига олимларнинг ишончи комил.

ОТАЛИК МОТОРЧАЛАРИ

Германия тадқиқотчилари туҳум ҳужайраларини уруғлантириш учун оталик уруғларининг ҳаракатчанлигини кучайтириш усулини тақриф этишди. Бунда ҳаракати суст бўлган сперматозоидларга махсус «кучлантирувчи» моторчалар кўмак беради. Уларда оталик уруғлари думчасига бириктирилган микроскопик спирал мавжуд. Бундай моторча ёрдамида тез-



ликни олган сперматозоид кўзлаган манзилга, албатта, етиб олади. Ушбу янгилик лаборатория шароитида тажрибадан ўтган бўлса-да, ҳозирча фақат экстракорпораль уруғлантиришдагина фойдаланилмоқда.

ЭРКИН НАФАСГА ЙЎЛ

Россия травматологлари ўтган йили оламшумул муваффақиятга эришди. Академик В. Шумаков номили сунъий органларни трансплантация қилиш илмий Федерал марказида муковисцидоз билан касалланган ёш болага катта одамнинг ўпкаси муваффақиятли кўчириб ўтказилди.

Яъни, 13 ёшли қизчага ўпкани кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик амалиёти икки томонлама қисмли трансплантация усули билан амалга оширилди. Амалиёт 10 соат давом этиб, ундан 18 соат ўтгача,

қон айланиш патологияси илмий-текшириш институти мутахассислари лапароскоп усулида сон шунтлаш жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Унинг хусусияти қон томирининг ичига ўрнатилган протез (шунт) оёқлардаги қон айланишини тиклашдан иборат бўлади. Одатда бундай мақсад учун анъанавий бўлган усул роботлашган ёрдамчини жалб этмасдан амалга оширилар эди. Роботлаштирилган жарроҳлик амалиёти оғриқсиз, кўп қон йўқотишларсиз, кам жароҳатли ва жарроҳликдан кейинги асоратларни камайитириш имконини беради. Маъмур усул дунё бўйича жуда кам тиббиёт марказларидагина амалга оширилади. Россияда эса бу амалиёт илк бор амалга оширилмоқда.

ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

Шизофрения инсон учун хавфли, шифокорлар учун сирли хасталик. Бу хасталик сўнгги ҳужм деган ҳулосага ҳам келинган эди.

Аммо Америка генетиклариға тегишли янгилик уни пучга чиқариш арафасида. Мутахассислар инсон руҳияти бузилиши учун масъул бўлган генини аниқлашди ва ўзларининг янгиликларини 65 000 иштирокчи ёрдамида синовдан ўт-

казишди. Аниқланишича, ген жуда ҳам фаол бўлган вақтида у инсон бош миёсидида жуда муҳим нейрон алоқаларини йўқ қила бошлайди. Эндиликда асосий сабабчи маълум бўлганидан сўнг, тиббиётчилар шизофрениани пайдо қилувчи сабабларни даволай олишади, фақат унинг аломатларини эмас.

ЮРАК КЛАПАНЛАРИ ЯНГИ УСУЛДА ЎРНАТИЛДИ

Томск кардиология илмий-текшириш институти жарроҳлари ёш боланинг бўйнини тешиш орқали юракка клапан ўрнатиш бўйича жарроҳлик амалиётини бажардилар.

Бу вақтгача болага клапанни протезлаш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган эди, лекин ушбу клапан ўз фаолиятини талаб даражасида бажара олмаётган эди. Одатий операция мураккаблигини ҳамда кўп миқдордаги нархоз талаб этилиши, боланинг соғлиги даражаси ва унинг биринчи жарроҳлик операцияси эмаслигини ҳисобга олиб таваккал қилишга қарор қилинди.

Жаҳонда илк бор ўтказилган ушбу амалиёт омадди ўтди. Бола тезда соғайиб, уйига қайтди.

Бибигул МУРТАЗАЕВА тайёрлади.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
 E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
 АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
 банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
 Андижон – (+998-99) 889-90-23
 Жиззах – (+998-99) 889-90-25
 Наманган – (+998-99) 889-98-02
 Навоий – (+998-91) 537-61-76
 Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
 Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
 Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07
 Фарғона – (+998-99) 889-90-24
 Хоразм – (+998-99) 889-98-01
 Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев
 Мусаҳҳиҳ: С. Шодиева
 Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужаллилов
 ЎзА яқуни – 23:15
 Топширилди – 01:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 Босма табоқ. Буюртма Г – 317. 30651 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133